

ТИЗИМЛИ СКЛЕРОДЕРМИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА УМУМИЙ УЙҚУ АРТЕРИЯСИНИНГ ИНТИМА-МЕДИА КОМПЛЕКСИ ҚАЛИНЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ

**Саидова М.М.
Ҳамроева Ю.С.**

Бухоро давлат тиббиёт институти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14613743>

Долзарблиги. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ревматологик касалликларда умр кўриш давомийлигининг етакчи сабаби атеросклеротик қон томир зарарланишлари билан боғлиқ кардиоваскуляр асоратлардир. Кўп сонли тадқиқотларга кўра, ревматоидли артрит ва тизимли склеродермия билан касалланган беморларда атеросклерознинг клиник белгилари пайдо бўлгунгача бўлган шакли умумий популяцияга қараганда анча кўп учрайди [1, 2; 8]. Ушбу ҳолатлар юрак-қон томир ва аутоиммун патологиянинг [5; 4] ўзаро боғлиқлигини ўрганиш учун асос бўлади. Бироқ, тизимли склеродермияда етакчи ўринни томир патологияси эгаллайди. Юрак-қон томир тизими зарарланиши ва у билан боғлиқ асоратларнинг механизмлари эса ҳали етарлича ўрганилмаган бўлиб қолмоқда [3,6]. Ушбу маълумотлар ТСДда юрак-қон томир касалликларининг клиник хусусиятларини ўрганиш нечоғли зарурлигини англатади.

Тизимли склеродермия билан касалланган беморларда ЮҚТТ хавфини шакллантиришга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, юрак-қон томир хавфи юқори бўлган беморларни аниқлаш, профилактик чораларни оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда. [1,7]

ТСД ли беморларда ЮҚТТ касалликларини олдини олиш, хавф омилларини эрта аниқлаш ва юрак-қон томир хавфини прогностлаш, бунинг натижасида касалланиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш, бемор ҳаёт сифати ва прогнозини яхшилаш илмий ва амалий аҳамият касб этади. Кардиоваскуляр профилактиканинг замонавий тамойиллари, юрак-қон томир хавфини шакллантиришга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда, хавф омилларига қарши индивидуал профилактика ва кураш тамойилларига асосланган. [7]

Мақсад. Тизимли склеродермия касаллиги билан оғриган беморларда кардиоваскуляр хавфни эрта прогностлаш мақсадида умумий уйқу артериясининг интима медиа қалинлиги (ИМҚ) кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот Тизимли склеродермия (ТСД) касаллиги билан оғриган 35-60 ёш орасидаги 98 нафар беморлар (асосий гуруҳ) да ва 36 нафар соғлом шахслар (назорат гуруҳи)да олиб борилди. Текшириш жараёнида юрак-қон томир касалликлари учун хавф омилларини ўрганиб чиқилди. Шу мақсадда беморлардаги чекиш, гиперхолестеринемия, семизлик, қондаги С реактив протеин даражаси, шунингдек гипертония, юрак ишемик касалликлари (ЮИК), аритмия кабилар билан касалланиш даражасини баҳоланди. Текширув Допплер ултратовуш текшируви В режимида умумий уйқу артериялари ИМҚ ни аниқлаш орқали амалга оширилди.

Натижалар. Юрак-қон томир касалликларида хавф омилларини тарқалиш жараёни таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги текширилган беморларнинг 51,3 фоизида гипертония касаллиги, 18,3 фоизида камҳаракатлик, 8,7 фоизида чекиш, 14,8

фоизда семизлик, 42,6 фоизда гиперхолестеринемия аниқланган. Назорат гуруҳидаги беморларда эса 13,9 фоизда гипертония касаллиги, 5,6 фоизда камхаракатлик, 11,1 фоизда чекиш, 16,7 фоизда гиперхолестеринемия аниқланди. ТСД билан касалланган беморларнинг умумий уйқу артерияси интима медиа қалинлигини аниқлашдан олинган натижаларга кўра, ўнг уйқу артериясида ИМҚ $0,948 \pm 0,016$ мм ва чап уйқу артериясида $0,947 \pm 0,016$ мм ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичларнинг патологик ўсиши ($>0,9$ (mm)) беморларнинг деярли ярмида - 45 (46%) кузатилди. ИМҚ кўрсаткичининг патологик ошишини ($>0,9$ мм.) назорат гуруҳидаги таҳлили $9(25 \pm 6,2\%)$ ни ташкил этиб, ўнг уйқу артериясида $1,08 \pm 0,038$ мм, чап уйқу артериясида $1,07 \pm 0,037$ мм ташкил этганлиги намоён бўлди. Асосий гуруҳда беморларнинг ёшига боғлиқ ҳолда ушбу кўрсаткичлар таҳлил этилганда, ИМҚ нинг ўртача қиймати 35-40 ёшли беморлар гуруҳида ўнг уйқу артериясида $0,796 \pm 0,019$ мм, чап уйқу артериясида $0,795 \pm 0,019$ мм, 41-45 ёшлилар орасида ўнг уйқу артериясида $0,9 \pm 0,04$ мм, чап уйқу артериясида $0,9 \pm 0,04$ мм, 46-50 ёшлиларда ўнг уйқу артериясида $0,97 \pm 0,03$ мм, чап уйқу артериясида $0,97 \pm 0,03$ мм ва 50-60 ёшли беморлар гуруҳида бу кўрсаткич ўнг уйқу артериясида $1,01 \pm 0,02$ мм ва чап уйқу артериясида $1,01 \pm 0,02$ мм ни ташкил этди. Таҳлил шуни кўрсатдики, ИМҚ қалинлиги беморларнинг ёшига тўғридан-тўғри боғлиқ ($r = 0,64$). ИМҚ $> 0,9$ ммга ўсиши 50-60 ёшдаги беморларнинг 40 (63,8%) нафарида кузатилди. Текширув жараёнида 12 (12,2%) нафар беморда умумий уйқу артериясининг стенози аниқланди. Ўнг уйқу артериясида $1,14 \pm 0,028$ мм, чап уйқу артериясида $1,13 \pm 0,035$ мм ни эканлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичларнинг тизимли склеродермия билан касалланган гипертония касаллиги мавжуд беморларда 17,8% га, юрак ишемик касаллиги бор бўлган беморларда эса 25,4% га ўсиши аниқланди. Шунингдек, SCORE шкаласи бўйича юрак-қон томир хавфи юқори гуруҳидаги ТСДли беморларда ИМҚ нинг қалинлиги 0,9 мм дан юқори кўрсаткичларда эканлиги аниқланди.

Хулоса. ТСД билан оғриган беморларда кардиоваскуляр асоратлар ривожланишинининг эрта прогнозини аниқлашда умумий уйқу артериясида ИМҚ ўрганиш, SCORE шкаласи бўйича юрак-қон томир хавф гуруҳини аниқлаш каби муҳим аҳамиятга эга.

References:

1. Khamroyeva Y.S. Early Diagnosis of Systemic Scleroderma // Procedia of Engineering and Medical Sciences-2022. №01.P.31-38.
2. Mukhidinova, Saidova M., and Khamroeva Y. Saidovna. "Cardiovascular Risk in Patients with Systemic Sclerodermia." International Journal on Orange Technologies, vol. 3, no. 3, 2021, pp. 45-49, doi:[10.31149/ijot.v3i3.1371](https://doi.org/10.31149/ijot.v3i3.1371).
3. Алекпаров Р.Т., Ананьева Л.П., Черкасова М.В. Клинические ассоциации сосудистого эндотелиального фактора роста и его рецептора 2-го типа при системной склеродермии. // Научно-практическая ревматология. 2018. 56(5).-С.570.
4. Моимеев А.А. Современные методы диагностики ограниченной склеродермии. // Саратовский научно-медицинский журнал.-2016. 12(3). –С. 482.
5. Саад Е.О., Ананьева Л.П., Новикова Д.С., Алекперов Р.Т. Традиционные факторы риска сердечно-сосудистых заболеваний при системной склеродермии и их связь

структурными изменениями сердца // Научно-практическая ревматология -2016. (54) 6. –С. 688.

6. Саидова М. М., Хамроева Ю. С. СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫЙ РИСК У БОЛЬНЫХ СИСТЕМНОЙ СКЛЕРОДЕРМИЕЙ //Новый день в медицине. – 2021. – №. 1. – С. 265-269.

7. Саидова М. М., Хамроева Ю. С. CARDIOVASCULAR RISK IN PATIENTS WITH SYSTEMIC SCLERODERMA //Новый день в медицине. – 2020. – №. 1. – С. 367-370.

8. Синяченко О.Б., Егудина Е.Д., Миккустс В.Я., Ермолаева М.В., Кетинг Е.В., Дядик Е.А. Ангиопатия при системной склеродермии.// -2017. №1(67).-С.5.

